

КЎП ТИЛЛИ ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТЛАРНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Нажмиддинов Муҳаммаджон

Андижон Давлат Университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада кўп тилли луғатларда атамалар изоҳланишининг лексикографик усуллари ҳамда бу жараёнда дуч келинадиган муаммоларга атрофлича ечим топишга шу билан бирга луғат яратишининг лингвистик тамойиллари ва методикасига бағишланган. Бундан ташқари, бу соҳада олдидан турган масалалар ва уларнинг аҳамиятига ҳақида сўз боради.

***Калим сўзлар:** Лексикография, корпус лингвистикаси, терминлар банки, терминологик стандарт, бир сўзли луғатлар, икки сўзли луғатлар, батафсил луғатлар, алифбо бир сўзли луғатлар, лексик-луғат, идеографик сўзлар*

ABSTRACT

This article is devoted to lexicographical methods of interpreting terms in multilingual dictionaries, as well as comprehensive solutions to the problems encountered in the process, as well as linguistic principles and methods of dictionary creation. It also discusses the challenges facing the industry and their importance..

***Keywords:** Lexicography, corpus linguistics, terminological banks, terminological standards, monolingual dictionaries, bilingual dictionaries, multilingual dictionaries, alphabet-cell dictionaries, ideographic dictionaries, alphabet-relational dictionaries.*

Замонавий дунёда глобаллашув, мамлакатлар ва халқларнинг интеграцияси жараёнида кўп тилли луғатларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда замонавий лексикография мулоқотнинг турли кўринишига ёрдам берувчи кўп тилли луғатлар ишлаб чиқиш тенденциясини қўллаб-қувватламоқда. Маълумки, кўп тилли луғатларнинг аҳамияти таржима билан чегараланмайди. Улар тилларни ўргатиш, фан ва техниканинг турли соҳаларида терминологияни унификациялаш, она тилидаги сўровлар (чет тиллараро қидирув) орқали чет тилидаги маълумотлар базасидан маълумот қидириш учун ишлатилади. Сўнгги йилларда интернет технологияларининг жадал ривожланиши туфайли кўп тилли лексикографиянинг долзарблиги кескин ошди¹. Америкалик тадқиқотчи Р.Левиннинг таҳлилларидан айрим фактларга

¹ Абрамова Н.Н., Глобус Е.И. Формирование многоязычных словарей и их использование при кросс-языковом поиске информации // <https://elar.urfu.ru/handle/10995/1386>

эътибор қаратамиз: “Интернетдан фойдаланувчиларнинг 800 миллиондан ортиғи, яъни 65 фоизи инглиз тилини билмайди. Бундан ташқари, инглиз тилида бўлмаган Интернет сўровларининг йиллик ўсиши 140 миллиондан ошади. Интернетдаги матнларнинг камида ярми инглиз тилида эмас. Бу фактлар тиллараро таҳлил (анализ ва синтез) имкониятларга эга бўлган қидирув тизимларини яратиш долзарблигини кўрсатади”².

Шу талаблардан келиб чиқиб, В.Дубичинский замонавий терминология назариясининг асосий муаммоларини қуйидагича кўрсатади:

- 1) терминологик луғатларни яратишнинг услубий тамойилларини ишлаб чиқиш;
- 2) махсус луғатларнинг илмий асосланган типологиясини яратиш;
- 3) луғатнинг турли махсус қатламларини тавсифлаш учун ўзгармас луғат лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- 4) терминологик луғатларнинг асосий параметрларини аниқлаш;
- 5) терминографик ишларга асосий талабларни ишлаб чиқиш;
- 6) луғатнинг макро ва микро тузилишини ўрганиш;
- 7) терминологик сўзликни танлаш усулларини таҳлил қилиш;
- 8) атамаларни тавсифлашнинг асосий техникасини ишлаб чиқиш;
- 9) терминологик луғатларни тузишда компьютерлаштиришдан фойдаланиш³.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, В.Дубичинский томонидан таклиф қилинган асосий масалалар жуда аниқ кўрсатилган. Тадқиқотимиз бевосита терминологик луғат устида олиб борилаётганлиги сабабли биз кўрсатилган масалалар ичидан айнан терминологик лексикографияга оид масалаларга эътибор қаратамиз.

Терминологик луғатларга қўйиладиган умумий талабларни С.В.Гринев қуйидагича кўрсатади⁴:

- 1) танланган фан соҳасининг махсус лексикасини етарли даражада қамраб олиш;
- 2) махсус лексик бирликлар ҳақида керакли маълумотларнинг мавжудлиги; фойдаланувчилар учун бир луғатдан иккинчисига ўтишни осонлаштириш учун бир хил турдаги луғатларнинг таркиби ва мос тавсифлар аппаратларини бирлаштириш;

² Levin R. Tools for Multilingual Communication.-Multilingual Computing&Technology, № 70, Volume 16, Issue 2.

³ Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 91.

⁴ Гринев В.С. Введение в терминологическую лексикографию. – Москва, 1986. – 206 с. – С. 50.

3) луғатнинг методик тузилиши ва структурасининг барча элементлари ўртасида максимал уйғунликнинг сақланиши.

Терминологик луғатларни тайёрлашнинг асосий босқичларини В.М.Лейчик юқори аниқликда тавсифлайди⁵:

- 1) терминлар учрайдиган соҳа адабиётларини ўрганиш;
- 2) зарурий атамалар картотекасини тузиш;
- 3) атамаларни танлаш ва уларни таҳрир қилиш;
- 4) тушунчаларнинг концептуал гуруҳларини тузиш;
- 5) алифбо картотекасини тузиш;
- 6) эквивалентларни танлаш.

В.М.Лейчик таклиф этаётган босқичлар умумий лексикографияга дахлдордек туюлса-да, терминларни тўплаш босқичи ҳақидаги фикри диққатимизни тортди. Шу сабабли кўп тилли тилшунослик терминларининг электрон платформасини ишлаб чиқишда айнан шу босқичларга амал қилиш лозим деган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга электрон маҳсулот талабларидан келиб чиқиб, дастурий қобик ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш, қидирув тизимини аниқлаш каби масалалар ҳам бизнинг тадқиқ предметимизга киради. Бу масалаларга дастурий томондан эмас, балки тилшунос сифатида ёндашган ҳолда, ишнинг кейинги қисмида айрим таклифларни келтирамиз.

В.Дубичинский А.С.Герднинг *терминологик луғатнинг хронологик асосини ажратиш кўрсатиш* ҳақидаги таклифини куйидагича баҳолайди: “Афсуски, бу савол ҳеч қачон терминологик луғатлар олдига қўйилмаган, на бадий адабиёт, на оғзаки нутқ фан ва техника тили каби тез ўзгармайди”⁶. В.Дубичинский тўғри таъкидлаганидек, фан ва техникага оид атамалар таркиби (рўйхати) жуда тез вақт оралиғида катта ўзгаришга учрашини исботлашга ҳожат йўқ. Шу сабабли турли фан ёки соҳа терминологиясига оид лексикографик маҳсулот қайта ишланиш имкониятига эга бўлиши керак. Жуда кўп афзалликларга эга бўлган қоғоз луғатларда бу имконият, афсуски, мавжуд эмас. Бу омил электрон терминологик маҳсулотлар ишлаб чиқиш заруратини яна бир марта исботлайди.

Терминологик луғат бирликлари: сўзлик, бош сўз, бирикма-атама. Луғатдаги бош сўз (В.Дубичинский сарлавҳа бирлик деб атайди)нинг қайси туркумга тегишли бўлиши масаласига В.Дубичинский куйидагича муносабат

⁵ Лейчик В.М. Лексикографическая терминологическая деятельность // Терминология библиотечного дела 1975. – с. 6-15. – С. 12.

⁶ Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 93.

билдиради: “Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда терминологик луғатда сарлавҳа (бош) сўз сифатида қайси туркумларни танлаб олиш кераклиги тўғрисида бир хил фикр йўқ. Масалан, А.Ахманованинг таъкидлашича, бундай сўзлар фақат от сўз туркумига тегишли бўлиши керак. Европа тилларида отлар тизими шунчалик ривожланганки, сифат-асосдан ҳосил бўлган аниқ ва мавҳум от яшашнинг чексиз имкониятлари мавжуд. Шу сабабли терминологик луғатлардаги сўзликнинг асосий қисмини от сўз туркумига оид атамалар ташкил этади. Бундай ёндашув бирикувчанлик луғатига нисбатан тўғри бўлади, чунки уларда ядро-атаманинг тавсифи унинг феъл, сифат, равиш ҳамда бошқа отлар билан бирикишини кўрсатиш орқали юзага келади. Лекин, маълумки, феъл, сифат ва равишлар ҳам терминологик хусусиятга эга. Нисбатан тўлиқ луғатлар, одатда, турли сўз туркумига оид атамаларни максимал даражада ўз ичига олади: атаманинг синонимик ва омонимик маносабатларини тавсифлайди, касб-ҳунарга оид сўз ва иборалар (профессионализм) келтирилади. Луғат учун атамаларни танлаш, асосан, муаллифнинг методологик концепциясидан келиб чиқади.

З.Комарова терминологик луғат тузишда қуйидаги параметрларга эътибор бериш зарурлигини айтади⁷:

- 1) луғат сўзлигини танлаш мезонлари;
- 2) иллюстратив материаллардан фойдаланиш масаласи;
- 3) пометалар тизимининг асосланиши;
- 4) асосий семантизация (изоҳлаш) воситаларини такомиллаштириш;
- 5) луғат мақоласининг тузилиши.

В.Дубичинскийнинг терминологик луғат мақоласини шакллантиришга доир қуйидаги таклифини қўллаб-қувватлаш мумкин: “Изоҳли терминологик луғатда атаманинг тавсифини икки қисмга бўлиш таклиф этилади. Биринчи қисм – бу атаманинг тизимли таърифи, уни семантик талқин қилинган ҳаволалар билан тезаурус тавсифи кўринишида тақдим этиш мумкин. Иккинчи қисм – изчиллик талабидан озод қилинган, эркин, ихчам ва тушунарли шакл”⁸.

Кўп тилли электрон луғат ишлаб чиқишда терминологик стандартлар масаласи ҳам кун тартибига чиқади. И.Н.Волкова терминологик стандартларнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади⁹:

⁷ Комарова З.И. Методология и методика терминографической семантизации // *Vocabulum et vocabularium*. – Харьков, 1995. Вып. 2. – с. 43-8. – С. 43-44.

⁸ Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 96.

⁹ Волкова И.Н. Стандартизация терминологии как одно из направлений лексикографии // *Подготовка и использование научно-технических словарей в системе информационного обеспечения*. – Москва, 1986. –С.7-5.

1) илм-фан, техниканинг сўнгги ютуқларига мувофиқлигини таъминлаш учун тизимли текшириш, қайта кўриб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш орқали амалга ошириладиган *динамиклик*;

2) стандартлаштирилган терминологиянинг бирлиги ва яхлитлигини таъминлаш учун кўплаб стандартларда белгиланган барча атама ва таърифларнинг мажбурий уйғунлиги ва ўзаро боғлиқлиги;

3) меъёрий-техник ва бошқа бир қатор ҳужжатларда белгиланган муддатларга риоя қилиш мажбурияти.

Ўқув терминологик луғатларини тузишда асосий муаммо у ёки бу тил билан боғлиқ сўз/бирикмаларнинг маълум бир қисмини мазмунли акс эттирувчи, терминологик минимумни ишлаб чиқишдир. В.Дубичинскийнинг фикрича, атамани терминологик минимумга киритиш мезонларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1) мутахассислик бўйича матнларда бу атаманинг ишлатилиш частотаси;

2) берилган даврий тизим учун унинг қиймати;

3) берилган тилнинг маълум контекстларида атаманинг долзарблиги.

Терминологик минимумни ўзлаштириш ўқувчи/талаба учун ўрганилаётган мутахассислик терминологиясининг асосларини тизимли равишда ўзлаштириш/тушуниш учун талаб қилинади. Терминологик минимум маълум маънода нафақат таълимнинг лингвистик (терминологик) материални, балки таҳлил қилинадиган билим соҳасидаги мутахассиснинг сўз бойлиги нуқтаи назаридан потенциални шакллантириш учун зарур бўлган тил бирликларининг тўлиқ (албатта, минимал чегарада) таълим мазмунини ҳам белгилайди¹⁰.

Амалдаги терминологик луғатлар сўз бирикмаларининг кенг спектрини ўз ичига олади. Булар қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) ҳар бир элементи концептуал тезауруснинг бирлиги бўлган иборалар: *оёқ панжаси, уриш мосламаси*; бундай сўз бирикмалари атаманинг терминологик валентлигини юзага чиқаради;

б) тобе қисмлари концептуал тезаурус таркибига кирмайдиган иборалар: *механик аэратор*; бундай иборалар терминологик birlik бош сўзининг терминологик новалентликни кўрсатади. Шубҳасиз, атамалар луғатида терминологик ва нотерминологик валентлик турлича акс эттирилиши керак. Терминологик ибораларни ўқув луғатига киритишнинг асосий мезони ибораларнинг мутахассислик дарсликларида акс этишидир.

¹⁰ Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 99.

REFERENCES

1. Абрамова Н.Н., Глобус Е.И. Формирование многоязычных словарей и их использование при кросс-языковом поиске информации // <https://elar.urfu.ru/handle/10995/1386>
2. Levin R. Tools for Multilingual Communication.-Multilingual Computing&Technology, № 70, Volume 16, Issue 2.
3. Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 91.
4. Гринев В.С. Введение в терминологическую лексикографию. – Москва, 1986. – 206 с. – С. 50.
5. Лейчик В.М. Лексикографическая терминологическая деятельность // Терминология библиотечного дела 1975. – с. 6-15. – С. 12.
6. Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 93.
7. Комарова З.И. Методология и методика терминографической семантизации // *Vocabulum et vocabularium*. – Харьков, 1995. Вып. 2. – с. 43-8. – С. 43-44.
8. Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 96.
9. Волкова И.Н. Стандартизация терминологии как одно из направлений лексикографии // Подготовка и использование научно-технических словарей в системе информационного обеспечения. – Москва, 1986. –С.7-5.
10. Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. – Вена-Харков, 1998. – 160 с. – С. 99.